Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 162 (8902). ● 1986 йил 22 август, жума ● Баҳоси 3 тийин.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

МУРОЖААТНОМАГА ЖАВОБАН

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини кенг қўллаб-қувватлаган Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи 1986 йилги социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқди. Мурожаатномага жавобан корхона меҳнат аҳли планга қўшимча 4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 25 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1,5 минг тонна шартли ёқилғи тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва шунга ўхшаш мажбуриятларнинг ўнга яқин пунктига ўзгартишлар киритилди. Бирлашма ишчи-хизматчилари зиммаларига олган бу юксак мажбуриятларни амалга ошириш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

А. ҒУЛОМОВ.

ҒОЛИБ ЧИҚДИЛАР

Область китоб савдоси бошқармаси Бутуниттифоқ социалистик мусобақада биринчи ўринни олиб, СССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети ҳамда маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, мукофоти ва дипломи билан тақдирланди.

Бошқарма коллективи бу мукофотга шу йилнинг иккинчи квартали плани ва социалистик мажбуриятларни 106,2 процент қилиб ошириб бажарганлиги ҳамда ишдаги юқори кўрсаткичлари учун эришди. Бу ютуқда областимиздаги 32 та китоб магазини, 5 та киоска ва жамоатчилик асосида ишлаётган 38 та халқ магазини, киоска ходимларининг ҳиссаси катта бўлди.

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасига қарашли корхоналарнинг коллективлари беш йилликнинг биринчи йилида самарали ишламоқдалар. Ярим йиллик иш якунлари бўйича бошқарма республика нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ва республика маданият ходимлари касаба союз комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

Ўтган ойларда бошқарма корхоналари пландан ташқари салкам 20 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бунга меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Матбаачилар айни пайтда моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар 18,5 минг киловатт соат электр энергияси ва кўп миқдорда қоғозни иқтисод қилиб қолдиларди.

Куни кеча матбаачиларга кўчма Қизил байроқни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар йиллик ва умуман беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга сўз бердилар.

А. АБДУСАМЕДОВ.

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

19 август куни КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари, марказий идеология идоралари ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган Баёноти муносабати билан ахборот — пропаганда ишларининг вазифалари кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев нутқ сўзлади. У ўз нутқида таъкидладики, Совет Иттифоқи ядро синовларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилаётиб шунга асосландики, бундай тадбир ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам қўллаб-қувватлаганда халқаро иқлимни яхшилашга ёрдам бериб, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишончни мустаҳкамлаган бўлур эди. Ядро портлатишларини тўхтатиш ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишга ишонч руҳини бахш этган, ядро қуролларини камайтириш борасида битимларга эришишни енгиллаштирган, бутун қуролсизланиш жараёнини рағбатлантирган бўлур эди.

Совет Иттифоқи ядро синовларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб туриш муддатини узайтирганлиги Америка маъмурияти ядро синовларини давом эттириш натижасида келиб чиқадиган хавфли оқибатларнинг ҳаммасини жиддий ўйлаб кўришига яна бир имконият беради. Вашингтондан ядровий қуролланиш пойгаси йўлидан, бир ёқлама ҳарбий устунликка эришишдан воз кечиш учун сиёсий ирода ва давлат кўламида донолик талаб қилинади.

Совет Иттифоқининг шу аср охиригача ядровий қуролсизланиш программаси, Осиё-Тинч океан регионида хавфсизликни таъминлаш ва тинч ҳамкорлик қилиш борасидаги таклифлари, Варшава Шартномасига аъзо давлатлар биргалашиб таклиф этган ва Европада Атлантикадан Уралгача қуролли кучлар ва одатдаги қурол-яроғларни камайтириш борасидаги тадбирлар комплекси, кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини яратиш концепцияси каби катта кўламдаги ташаббуслари ядро синовларини бир ёқлама тўхтатиб туриш тўғрисидаги масала билан чамбарчас боғланган.

Кенгашда КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсат бирлиги таъкидланди, жадаллаштириш ва янгилашнинг революцион стратегиясини амалга оширишда олға босилган ҳар бир қадам СССРнинг ташқи сиёсати — реализм, тинчлик ва ҳамкорлик сиёсати муваффақият қозонмоғи учун биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги айтилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский қатнашдилар.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми қурилиш комплексини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида СССР қурилиш ишлари давлат комитетини СССР Министрлар Советининг қурилиш комплексига раҳбарлик қилувчи доимий органи — СССР Иттифоқ—республика давлат қурилиш комитетига айлантирди.

Қуйидаги СССР умумиттифоқ қурилиш министрликлари ташкил этилди:

СССР қурилиш министрлиги, шунингдек ана шу ва бошқа умумий қурилиш министрликларининг шимолий, шимоли-ғарбий, Волга-Вятск ва марказий иқтисодий районларида ҳамда Калининград областида қурилиш ишларини амалга ошираётган корхоналари ва ташкилотлари базасида — СССР шимолий ва ғарбий районларида қурилиш министрлиги;

СССР саноат қурилиши министрлиги, шунингдек ана шу ва бошқа умумий қурилиш министрликларининг марказий — Қоратупроқ, Волга бўйи ва Шимолий Кавказ иқтисодий районларида қурилиш ишларини амалга ошираётган корхоналари ва ташкилотлари базасида — СССР жанубий районларида қурилиш министрлиги;

СССР оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги, шунингдек ана шу ва бошқа умумий қурилиш министрликларининг Урал ва Ғарбий Сибирь иқтисодий районларида, Красноярск ўлкаси ва Тува АССРда қурилиш ишларини амалга ошираётган корхоналари ва ташкилотлари базасида — СССР Урал ва Ғарбий Сибирь районларида қурилиш министрлиги.

СССР Узоқ Шарқ ва Забайкалье районларида қурилиш министрлиги номи СССР Шарқий районларида қурилиш умумиттифоқ министрлиги деб ўзгартирилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

20 август куни Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети бюросининг мажлиси бўлди. Унда Калинин район партия комитетининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлиги тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Бюро шуни таъкидладики, кейинги йилларда Калинин район партия комитети ишида район коммунистларини иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишда жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд эди, қўшиб ёзиш, ерларни талон-тарож қилиш, қариндош-уруғчилик, лаганбардорлик ва бошқа салбий ҳолатлар авж олиб кетган эди. Бу, ҳол районнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, кадрларни пароканд аликка солган эди. Кейинги вақтларда янги кадрлар раҳбарликка келиши билан район партия комитети фаолиятида, район экономикасининг ривожланишида ижобий силжишлар сезила бошлади. Бироқ район партия комитети, унинг бюроси, секретарларининг ташкилотчилик ва сиёсий иш савияси ҳали давр талабларига жавоб бермайди, КПСС XXVII съезди қарорлари руҳидаги қайта қуриш суст амалга оширилмоқда.

Район партия қомитети, бошланғич партия ташкилотларида планлаштиришнинг аниқ системаси йўқ, мавжуд планлар қайта қуриш талабларига мувофиқ келмайди, экономикага раҳбарликда маъмурий-хўжалик ёндошуви устунлик қилади.

Бошланғич партия ташкилотларидаги ишнинг аҳволи чуқур ўрганилмаяпти, улар структурасини такомиллаштириш, коммунистларни энг муҳим ишлаб чиқариш участкаларига қўйиш, сайлаб қўйилган партия активининг сифат составини яхшилаш ва уларни ўқитиш юзасидан бир мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмаяпти. Кадрлар билан ишлашда жиддий камчиликлар бор, бу борада баъзан принципсизлик ва либералликка йўл қўйилмоқда, кадрлар резерви билан жиддий шуғулланилмаяпти. Партияга қабул юзасидан КПСС Устави талаблари қўпол равишда бузилишига йўл қўйилмоқда.

Коммунистлар ва меҳнаткашлар активлигини, ташаббускорлигини ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш юзасидан самарали чоралар кўрилмаяпти. Бу ишда партия йиғилишларининг роли, маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқидан етарли фойдаланилмаяпти. Контроль ва ижрони текшириш район партия ташкилотида ҳамон заиф соҳа бўлиб турибди.

Район партия комитети секретарлари аппарат масъул ходимлари билан жиддий иш олиб бормайдилар, партия кадрлари ва активига нисбатан талабчанлик қилмайдилар, улар ишидаги камчиликлар билан келишиб келмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик соҳасидаги мавжуд камчилик ва ҳал қилинмаган муаммолар район социал-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш суръатларига салбий таъсир қилмоқда, партия ташкилотларида идеологик ва оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга, коммунистлар, барча меҳнаткашлар психологиясини ўзгартириш ва янгича фикрлашга ўргатишга ҳалақит бермоқда.

Область партия комитетининг бюроси шуни таъкидладики, Калинин район партия комитети, унинг бўлимларининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик соҳасидаги иши ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Район партия комитетининг секретарлари Ю. А. Ҳайдуров, Ш. С. Исломов, З. А. Ҳакимова ўртоқларга партия, совет, хўжалик ишини қайта қуришни, КПСС XXVII съезди қарорлари асосида районни социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг актуал вазифаларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўймаслик лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Калинин район партия комитетига бошланғич партия ташкилотларидаги ишнинг аҳволини кўриб чиқиш, қайта қуриш суст бораётганлиги сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, йўл қўйилган камчиликларга алоқадор район партия комитети масъул ходимлари, партия ташкилотларининг секретарларини партиявий жавобгарликка тортиш топширилди. Область партия қомитети район партия комитетининг бюроси, райком секретарларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш, бошланғич партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларида ташкилотчилик ва сиёсий ишини активлаштириш, улар кучғайратини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳар томонлама кўпайтиришга жамлашни юклади.

КПСС аъзолари: Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Н. Сигедин, Ғалаба районидаги 3-қишлоқ қурилиш комбинатининг директори Н. М. Ем ва Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз раиси Н. Авазовнинг КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленумининг «Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда шахсан иштироки тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Шу нарса таъкидландики, В. Н. Сигеднинг шахсан иштироки ва ташаббуси билан базавий корхоналарнинг буюртмаси бўйича Олмалиқ кон-металлургия комбинати мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида оталиқдаги мактаб ўқувчилари томонидан 20 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, оталиқдаги мактаблар ва ҳунар-техника билим юртига ўқув базаларини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга коммунист раҳбарлар Сигедин, Ем ва Авазов ўртоқлар КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини тўла бажаришнинг таъминламаяптилар. Ишчи ўқувчи ўринлари, цехлар вужудга келтириш юзасидан улар кўраётган тадбирлар етарли эмас.

КПСС аъзолари Ем ва Авазов ўртоқлар «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги КПСС Марказий Комитетининг қароридан тегишли хулоса чиқариб олмаганлар. Улар бошқараётган корхона ва колхоз ўқув юртларини ремонт қилишга жуда кам маблағ ажратган, ўқувчиларни турли касбга ўргатиш учун ҳақиқий базавий корхона ва ишчи ўқувчи ўринлари вужудга келтириш масаласига юзаки ёндошганлар.

Авазов ва Ем ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини бажаришдаги камчиликлари учун жиддий партиявий жазога лойиқдирлар. Лекин, кейинги вақтларда улар оталиқдаги мактабларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва ўқувчи ишчи ўринлари ташкил этиш юзасидан бир қатор тадбирлар кўрганликларини ҳисобга олиб, уларни муҳокама қилиш билан чекланишга қарор қилинди.

Ўртоқ Сигеднинг мактаб ислоҳоти соҳасидаги КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш юзасидан ишини умуман ижобий баҳолаб, область партия комитети унинг эътиборини аниқланган камчиликларни бартараф этиш зарурлигига қаратди.

Олмалиқ шаҳар партия комитети, Ғалаба ва Янгийўл район партия комитетларига умумий таълим мактабларни ва билим юртларнинг базавий корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳисобланган коллективларнинг раҳбарлари фаолиятини доимий назоратга олиш топширилди.

Область партия комитетининг бюросида бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

• ФОТОРЕПОРТАЖ •



ТУРМУШ ГЎЗАЛЛИГИ МЕҲНАТ БИЛАН

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИШЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ҲАЁТЛАРИ ҲАҚИДА



◆ **СУРАТЛАРДА: колхоз раиси М. Рўзиматов марказий ремонт устахонасида механизаторлар билан суҳбатлашмоқда. Кекса коммунист, пенсионер, меҳнат ветерани Тошмамат ота Ўрмонов колхоз боғида; терим машиналари мавсумга шай.**

* * *

ХЎЖАЛИК йил сайин ҳамма соҳаларда ривожланиб бормоқда. Пахтачиликда, чорвачиликда, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бунинг бонси колхоз правленнеси, партия ташкилоти томонидан одамлар тўғрисида, уларнинг яхши ишлаб, яхши дам олишлари, гўзал турмуш кечиришлари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганлиги туфайлидир. Дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари бундай ғамхўрликка жавобан зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз Бутуниттифоқ Социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йилликда ишда юксак самарадорлик ва сифат учун» эсдалик нишони билан тақдирланди. СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди. Яқинда яна бир хушхабар тарқалди. Колхоз ўн биринчи беш йиллик планларини бажаришда муваффақиятларга эришганлиги учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, КПСС XXVII съезди делегати Миразиз Рўзиматов одатда ўз иш кунини автотрактор паркини айланишдан бошлайди.

Терим мавсуми яқинлашмоқда. Техника аллақачонок шай қилиб қўйилган бўлишига қарамай «Зангори кема»ларнинг ҳолатини яна бир бор синчиклаб текшириб кўйиш фойдадан ҳоли эмас. Чунки деҳқонининг фидокорона меҳнати билан етиштирилган мўл ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан терим конвейери ишининг пухта ташкил этилишига боғлиқдир.

Бу соҳада эса колхозда катта тажриба орттирилган. Техникадан самарадорлик билан фойдаланилаётганлиги туфайли йилдан-йилга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор, сифатли ҳосил олиб келинмоқда. Хўжалик экономикаси мустаҳкамланмоқда. Ўн биринчи беш йиллик давомида колхоз давлатга 20 минг 890 тонна юқори сифатли пахта сотди.

(Фоторепортажнинг давоми 2, 3, 4-бетларда).

ТИНЧЛИК—ҲАММАНИНГ ИШИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган Баёноти мени ҳаяжонлантириб юборди. Ҳақиқатан урушни сиёсий мақсадларга эришиш воситаси деб билишдан иборат эски тасаввурлар ўз умрини яшаб бўлганлиги энди ҳаммага равшан. Совет ҳукуматининг ядровий синовларни тўхтатиш ҳақидаги таклифлари ҳозирги даврнинг реалликларидан келиб чиққан. У ожизликдан эмас, балки инсоннинг тақдири учун юксак масъулиятни англашга асосланган.

Биз Улуғ Ватан уруши қатнашчилари уруш нималигини, унинг даҳшатларини яхши биламиз. Эндиги уруш эса фақат бир неча халқ эмас, бутун коинот учун инсоният учун хавфлидир.

Совет Иттифоқи янги сиёсий ташаббусининг моҳиятини бутун прогрессив инсоният қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатига даъватимиз жиддий ва самимийдир.

Х. САЪДУЛЛАЕВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди.

КОЛХОЗИМИЗ меҳнаткашлари сўнгги йилларда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Пахта ҳосилдорлиги кескин ошмоқда. Хўжалигимиз экономикаси мустаҳкамланмоқда. Деҳқонларимизнинг фаровонлиги яхшиланмоқда. Буларнинг ҳаммаси тинчлик туфайлидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев телевидение орқали берган Баёнотида: «Халқаро хавфсизлик проблемаси умумий проблемадир, бинобарин, ҳаммаларнинг иши ва ҳамманинг масъулиятидир», деб жуда тўғри таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари ва унинг НАТО блокидаги ҳамтовоқлари жаҳонда халқаро вазиятни мураккаблаштирмоқдалар. Қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар ва бутун дунё халқларининг тинчини бузмоқдалар. Шунинг учун ҳам прогрессив инсоннят Совет Иттифоқининг жаҳонда тинчликни сақлаш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватламоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ядро портлатишларини тўхтатишни яна 1987 йилнинг 1 январигача узайтиришга қарор қилдилар. Ўйлаймизки, буни барча тинчликпарвар халқлар ва давлатлар қўллаб-қувватлайдилар.

М. АВАЗОВ,
Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

20 август куни Тошкентда республика давлат савдо ва матлубот кооперациясининг илғор ходимларига СССР орден ва медаллари тантанали вазиятда топширилди. Улар бу мукофотга ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун сазовор бўлдилар.

Тошкент шаҳар Қуйбишев район ошхоналар трестига қарашли 14-ошхонанинг ишлаб чиқариш мудири А. П. Кимнинг меҳнати Ленин ордени билан тақдирланди.

Тошкент шаҳар Ленин район ошхоналар трестига қарашли 8-ошхона ошпази Г. К. Лисенко, Тошкент шаҳар Фрунзе район савдо маркази секция мудири Д. Раҳимова, Оржоникидзе районидаги ихтисослаштирилган кооператив савдо бошқармасига қарашли ошхона ошпази К. Худойбердиев Октябрь Революцияси ордени билан мукофотландилар.

Юксак мукофотларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок топширди.

Шу куни республика пойтахтида Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой» ва «Узглавстройдревпром»нинг илғор ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига СССР орден ва медаллари топширилди. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун шу мукофотга сазовор бўлдилар.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари К. Х. Маҳамадалиев тантанали вазиятда топширди.

(ЎзТАГ).

БАРАКА—ҲАРАКАТДА

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг Сотиболди Мансуров бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 56 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Коллектив деҳқонлари далаларда мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун парваришни сусайтиришмаяпти.

— Ҳозир баҳор ва ёз бўйи қилинган меҳнатнинг рўёбга чиқадиган пайти,— дейди бригада етакчиси.— Шунинг учун ҳар бир агротехника тадбирини ҳосил пишиб етилгунча оби-тобида сифатли ўтказиш керак. Яқинда тажрибали пахтакорлар билан далаларни айланиб чиқдик. Айни кунларда гўзалар сувга қондирилмоқда.

Охирги ишловнинг ҳам масъулияти катта. Коллективнинг тажрибали механизатори Турдиали Содиқов культиваторнинг барча ишчи органларини қайта-қайта созлаб ишга киришмоқда.

Мирзараҳим Мирзахаев, Қурбонали Ҳайруллаев сингари тажрибали сувчилар бошчилик қилаётган группаларда ҳам иш қизғин. Улар экинни ўз вақтида оби-ҳаётга қондирмоқдалар.

О. НУРУШЕВ.

КЎРКАМ БИНОЛАР

«УЗАГРОПРОМСТРОЙ»нинг 2-қурилиш трестига қарашли 83-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари Бўка районидаги колхоз ва совхозларида кенг кўламда қурилиш-монтаж ишларини олиб бораяптилар. Қўли гул қурувчилар шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1504 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Бахтиёр Тожибоев раҳбарлик қилаётган қурувчилар бригадаси шу кунгача Ҳамза номли колхоздаги Лисенко участкасида 4 та турар-жой биносини қуриб битказдилар. Бунда 63,3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Ана шундай турар-жой биноларидан яна тўртгаси Фрунзе номли колхознинг Паркент участкасида фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда бу ерда охирги пардозлаш ишлари бажарилаяпти. Қурувчилар объектни шу ойнинг охиригача битказиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Т. ҲАЙДАРОВ.

ПАРТИЯ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Мамлакатимизда ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси совет жамиятининг сиёсий ва маънавий авангарди, унинг раҳбар ва йўналтирувчи кучи бўлган Коммунистик партиядир. У мамлакат тақдири учун, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлни амалга ошириш учун тарихий масъулиятни зиммасига олган.

Партиянинг кучи шундаки, деб таъкидланди КПССнинг XXVII съездида,— у давр нафасини, ҳаётнинг томир уришини ҳис қилиб туради, омма орасида ишлайди, давр талабларини ҳисобга олиб, жамиятга раҳбарлик методларини қайта қуради ва ўзгартиради. Шу билан бирга партия ўзи узлуксиз ривожланиб ва такомиллашиб борсагина янги вазифаларни муваффақиятли ҳал эта олиши мумкин. КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими тайёрлаган маълумотлар худди ана шу жараён ҳақида ҳикоя қилади. Бу маълумотлар XXVI (1981 йил) ва XXVII (1986 йил) съездлар ўртасида ўтган беш йилдаги партиянинг ривожланиши тўғрисидадир.

КПСС СТАТИСТИКА КЎЗГУСИДА

ПАРТИЯВИЙ ПОТЕНЦИАЛ

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми КПССнинг қайта қуришдаги роли ва вазифаларини очиб берар экан, партия ижтимоий жараёнларга таъсир этишнинг қудратли воситаларига эга эканлигини таъкидлади. «Назария ва сиёсат, ташкил этиш воситалари ва кучи, ишлаб чиқаришдаги ва бошқарувдаги, фан, техника, маданият соҳасидаги миллион-миллион коммунистлар — қудратли партиявий потенциалдир»,— деди М. С. Горбачев докладда.

Бу потенциалнинг энг муҳим қисми — коммунистларнинг ўзлари, уларнинг сони, состави ва жой-жойига қўйилганлигидир. Партия ўз сафларининг ўсиши ва составининг сифат жиҳатдан яхшиланиши тўғрисида ташкил топган дастлабки кунлариданоқ қайғуриб келмоқда. XXVII съездга келиб партияда 19 миллион 37 минг 946 коммунист бор эди. Бу XXIV съезд (1971 йил март) арафасидагидан қарийб 4,6 миллион, беш йил аввалгидан 1 миллион 557 минг ёки 8,9 процент кўп демакдир.

Ўтган беш йилликда ҳар йили ўртача 661 минг киши КПСС аъзолигига кандидатликка ва 628 минг киши аъзоликкка қабул қилинди. Мамлакат катта ёшдаги аҳолиси ўртасида коммунистлар салмоғи ортиб борди. Беш йил ичида у 0,4 процентга кўпайди ва ҳозир 9,7 процентни ташкил этади. 18 ёш ва ундан катта бўлган мамлакатнинг деярли ҳар ўн гражданидан бири коммунистдир.

ИШЧИЛАР —ЕТАКЧИ

Партия ўз сафларини ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг энг илғор вакиллари ҳисобига тўлдириб бораётганлиги туфайли ижтимоий ҳаётнинг турли томонларига ўз таъсирини кучайтирмоқда. Партия Программасида шундай деб алоҳида таъкидланган: КПСС ўз социал составида ишчилар етакчи ўринни эгаллашини зарур деб ҳисоблайди.

Ўтган беш йил ичида партия аъзолигига кандидатлар орасида ишчилар 59,4 процентни ташкил этди, бу аввалги йиллардагидан кўп ҳисобланади. Саноати тараққий қилган областларнинг партия ташкилотларида эса бу кўрсаткич 65—70 процент ва ундан ҳам ортиқни ташкил этди.

Беш йил ичида ишчилар синфининг 1 миллион 659 минг вакили партия аъзоси бўлди. Уларнинг сони ҳозир КПССда 8 миллион 552 минг кишига яқиндир. Ишчиларнинг салмоғи 1,6 процентга кўпайиб, ҳозир коммунистлар умумий сонининг 45 процентига етди. Деҳқонлардан коммунистлар сони ҳам кўпайди. Улар 2 миллион 248 минг 166 кишини ташкил этади ёки партия составининг 11,8 процентига тенгдир. Ишчилар ва колхозчилар қўшилиб кўпчиликни — 56,8 процентни ташкил этади.

Янгидан кираётганларнинг қарийб учдан бири «хизматчилар» деб умумий тарзда аталувчи категорияга кирадилар. Ҳозирги кунда партия ўз сафларида янги техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан банд бўлган мутахассислар, фан арбобларини — фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминловчи кишиларни қабул қилишга катта эътибор бермоқда. Хизматчи — коммунистлар сони беш йил ичида 567 мингга кўпайди ва шу йил бошига келиб 8 миллион 204 минг 433 нафарга етди. Бу партия составининг 43,2 процентига тенгдир. Шуниси характерлики, бу категория партия аъзоларининг қарийб тўртдан уч қисми инженерлар, агрономлар, ўқитувчилар, врачлар, илмий ходимлар, адабиёт ва санъат арбобларидир.

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛМОҒИ

Партия сафларига ёшларнинг кириб келиши ҳозирги давр учун ҳам, партиянинг истиқболи учун ҳам айниқса муҳимдир. Кейинги ўн йил мобайнида партияга қабул қилинганларнинг қарийб тўртдан уч қисми комсомол сафидан ўтди, бешдан тўрт қисми эса 30 ёшгача бўлган кишилар бўлди. Ана шу ёшдаги коммунистлар эндиликда партияда 3 миллион 350 минг кишини ёки умумий составнинг 17,6 процентини ташкил этади.

Партияда хотин-қизларнинг салмоғи ҳам тўхтовсиз ортиб бормоқда. Кейинги йилларда улар салмоғи учдан бир қисмдан кўпроқ бўлиб қолди. 1971 йили партияда 3,2 миллионга яқин хотин-қиз бўлган бўлса, бу йил бошига келиб 5 миллион 475 минг 145 нафарни ёки партия составининг 28,8 процентини ташкил этди.

Коммунистларнинг маълумотидаги ўзгаришлар ҳам партия сифат состави мунтазам яхшиланиб бораётганлигини ифодалайди. Агар 1971 йили олий маълумотли коммунистлар 2,8 миллион бўлган бўлса, 1981 йили қарийб 4,9 миллион, ҳозир эса 6 миллиондан ортиқ кишини ёки 31,8 процентни ташкил этади. Қарийб 8,5 миллион киши ўрта маълумотга эга. Тўлиқсиз ўрта ва бошланғич маълумотли коммунистлар салмоғи йилдан-йилга кескин камайиб бормоқда. Шу билан бирга олимлар қатлами ўсмоқда. Шу йил бошига келиб партия сафларида фан кандидатлари 239 минг 581 кишини ва фан докторлари 30 минг 954 кишини ташкил этди. Илмий даражага эга бўлган партия аъзолари сони беш йил ичида тегишлича 36 мингга ва 4,8 мингга ортди.

КПССнинг характерли белгиси унинг кўп миллатлилигидадир. Бизнинг партиямиз интернационалистларнинг пролетар революцион ташкилоти сифатида вужудга келган эди. У худди ана шу рухда ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Барча иттифоқчи республикаларнинг компартиялари туб аҳоли вакиллари ҳисобига ҳам, мамлакатнинг ўнлаб бошқа миллатлари ва элатлари ҳисобига ҳам сон жиҳатдан ўсди. Партия сафида 11,2 миллион руслардан ташқари (улар салмоғи 1946 йилдаги 67,8 процентдан ҳозир 59,1 процентга тушиб қолди) 3 миллиондан кўп украинлар, 726 минг белоруслар, 465 минг ўзбеклар, 388 минг қозоқлар бор, рус бўлмаган миллат вакилларидан жами 8 миллионга яқин киши бор (1973 йили улар 5,8 миллион эди). КПСС бугунги кунда ўз сафларида мамлакатимизнинг юздан ортиқ миллат ва элатлари гражданларини бирлаштириб турипти.

САФЛАРНИНГ СОФЛИГИ УЧУН

Партия ўз аъзоларида юксак сиёсий ишчанлик ва ахлоқий фазилатларни, ҳалоллик ва тартиблликни, ўз кучларини коммунизм қурилиши ишига беришга шайликни қадрлайди. У ўз сафларининг тозалиги тўғрисида ғамхўрлик қилади, партияга мансабпарастлик ёки бошқа ғаразли мақсадлар билан кирмоқчи бўлган тасодифий кишилардан ўзини сақлайди.

КПСС Устав талаблари ва партия ахлоқини бузувчилардан қатъият билан халос бўлиш билан ўз сафлари ва ўз обрўсини мустаҳкамлайди. Кейинги йилларда партия ташкилотлари партия ва давлат интизомини бажариш учун талабни кучайтирдилар, ахлоқий нормаларни бузиш ҳолларига жиддий баҳо бера бошладилар. Натижада кейинги икки съезд оралиғида коммунист номига доғ туширувчи ишлар қилганлиги учун 430 мингга яқин киши партиядан ўчирилди. Бундан ташқари 101 мингдан ортиқ кандидат ёш коммунистга қўйиладиган юксак талабларга жавоб бермаганлиги учун КПСС аъзолигига қабул қилинмади.

КПСС XXVII съездида партия бундан буён ҳам партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун тўхтовсиз кураш олиб бориши, партия ахлоқини бузувчилардан қатъият билан халос бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Дмитрий ГАЙМАКОВ,
АПН обзорчиси.

РАДИОНИНГ РОЛИ ҚАНИ?

ОБЛАСТИМИЗНИНГ БИР ҚАТОР РАЙОНЛАРИДА РАДИОРЕДАКЦИЯЛАР ИШИ ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛГАН

Радио редактори ўз хонасига кундузи ҳам чироқ ёқиб киради. Хона узун коридорнинг қоронғи бир бурчагига жойлашган. Ёруғ тушиб турадиган деразаси ҳам йўқ. Қурувчилар дераза ўрнида кичкина туйнук қолдиришибди холос. Шу кемтик жойга радиоредакцияни «тиқиб» қўйишди.

Тор жойда бош айланса тана айланмайди. Бир столни бузуқ «Маяк» магнитофони эгаллаган. Унинг ёнида турган машинка ҳам ўтган ойдан бери ишламайди, ҳарфлари синган. Редакция ходимлари шундай ноқулай шароитда радиоэшиттиришларини қандай қилиб тайёрлаётганликларига ҳайрон қоласиз.

Чиноз район партия комитети тасдиқлаган планга мувофиқ редакция ходимлари уруш ва меҳнат ветеранлари билан ёш авлод учрашувини уюштириб, шу асосда қизиқарли эшиттириш тайёрламоқчи эдилар. Лекин жойнинг торлиги ва техника воситаларининг йўқлиги учун мўлжалдаги иш чиқмади. Шунга ўхшаш воқеалар тез-тез бўлиб туради. Планга киритилган уч-тўртта эшиттиришлар вақтида эфирга чиқмагач, радиоредакция учун кенгроқ жой ажратиш масаласи яна кўтарилди. «Ички имкониятларни қидириб топиш» юзасидан район алоқа тармоқлари бўлими бошлиғи Р. Зикировга конкрет топшириқ берилди. Бошлиқ топшириқни олди-ю, лекин ўз билганича иш тутаверди. Топшириқ қандай бажарилаётганлигини кейин райком ходимлари ҳам унутишди.

Район партия комитети радиоредакция ишини яхшилаш, эшиттиришлар таъсирчанлигини ошириш устида умуман ғамхўрлик қилмай қўйган. Кейинги вақтда радиоредакция фаолияти бирор марта на райком бўлимида, на бюро мажлисида таҳлил қилинди. Эшиттиришлар мазмуни, жанри, таъсирчанлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Кейинги пайтларда берилаётган эшиттиришларни тинглаб кўринг-а. Ҳаммаси район маркази атрофидаги хўжаликлар ҳаётидан ёзилган. Ахборотларни ҳисобга олмаганда репортажлар, мутахассисларнинг чиқишлари, овозли эшиттиришлар умуман йўқ.

Олисдаги йирик-йирик хўжаликларни радиошаштириш устида кўп йиллардан бери гап бўлади. Лекин гап гаплигича қолиб келмоқда. Районнинг бир қисм аҳолиси эшиттиришларни тинглаш имконига эга эмас.

Оржоникидзе, Тошкент районлари радиоредакцияларида ҳам шунга ўхшаш воқеалар юз бераяпти. Бу районларда радиоредакция учун ажратилган хоналар жиҳозланмаган. Тошкент район радиоредактори эшиттиришлар тайёрлаш ўрнига район партия комитетининг телефонограммаларини хўжаликларга етказиш билан шуғулланяпти. Райондаги хўжаликларнинг бештаси радиолаштирилмаган. Шу боисдан бу колхоз ва совхозлардан умуман эшиттиришлар тайёрланмайди.

Бўка, Ўрта Чирчиқ районларида ҳам радиоточкалар тобора камайиб бормоқда. Бўка райони хўжаликларидаги 7100 радиоточканинг ярми ишламайди. 11 та хўжалик шу кунгача радиолаштирилмаган. Район партия комитети бу ҳолдан хабардор бўлсада, таъсирчан чоралар кўрмаяпти.

Ўрта Чирчиқ районидаги мавжуд 7 мингта радиоточкадан ҳозир ярмидан сал кўпроғи ишлаяпти. Қолганлари ҳисобда бору, аммо эшиттиришларни қабул қилмайди. 6 та хўжалик радиолаштирилмаган.

В. И. Ленин радиони қоғозсиз, масофасиз газета деб жуда тўғри таърифлаган эди. Радио сўзлари олис қишлоқларга ҳам эфир орқали газетадан олдин етиб боради. Афсуски, бир қатор район партия комитетлари радионинг бу имкониятларини ҳисобга олмаяптилар, радиоредакциялар ишини такомиллаштириш чораларини кўрмаяптилар. Ангрен шаҳар партия комитети радиоредакция ташкил этиш масаласини умуман ўйламаяпти. Ахир радиоредакциялар туғилаётган ташаббусларни кенг ёйишда, оммани воқеалардан вақтида хабардор қилишда, маълум масалалар бўйича жамоатчилик фикрини уйғотишда яқин кўмакдош бўлиши аён-ку.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларига партиявий раҳбарлик ишларини қайта қуриш шу куннинг муҳим вазифасидир. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талаблари асосида газеталар билан бирга радиоэшиттиришларнинг таъсир кучини ошириш йўлида шаҳар ва район партия комитетлари зарур чораларни кўришлари керак.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

СЕКРЕТАРЬ НЕГА САЙЛАНМАДИ?

Республика махсус ремонт-қурилиш бошқармаси Олмалиқ кон-металлургия комбинати корхоналари ремонти учун ихтисослашган. Бошқарманинг 4-участка коллективи эса «Қалмоққир» ва бошқа конлардаги экскаваторлари ҳамда мис эритиш заводидаги ускуналарни ремонт қилади. Участка коллективи етти ойлик планни ошириб бажарди. «Ҳурмат белгиси» орденли Э. Контакузин бошлиқ слесарлар, К. Мустафоев етакчилик қилаётган комплекс ремонтчилар бригадалари ўз меҳнат муваффақиятлари билан бошқармада танилишган.

Лекин бу ерда қайта қуриш бир мунча секинлик билан бормоқда. Ишлаб чиқаришга, оммавий-сиёсий ишларга партиявий раҳбарлик талаб даражасида эмас. Участка цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида бу ҳақда очиқ-ойдин айтилди. Цех партия ташкилоти секретари, слесарь Юрий Мясников нариданбери ҳисобот доклади қилди. Унда фақатгина ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўқиб эшиттирилди, холос. Ҳисоботда партия ташкилотининг бир йиллик фаолияти етарли анализ қилинмади. Партиявий-ташкилий ишлар, жамоат ташкилотларига раҳбарлик масалалари, партия топшириқларининг бажарилиши, коммунистлар ҳисоботи, партия йиғилишларини ўтказиш практикасига оид муҳим масалалар эътибордан четда қолди. Чунки ҳисобот докладини тузишга кенг актив жалб этилмаган эди.

Ҳисобот даврида КПСС сафига қабул ва ёш коммунистларни тарбиялашдек муҳим ишга талаб даражасида ёндашилмади. Пайвандчи А. Игнатьев КПСС аъзолигига кандидатлик даврида ўзини кўрсатолмади ва партия сафига қабул қилинмади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан слесарь В. Новиков партия ташкилотининг ишлаб чиқаришга раҳбарлигини танқид қилди.

— Иш жойларида махсус кийим-бошлар, электродлар етишмайди,— деди у.— Бу ҳақда йиғилишларда кўп марта айтилган бўлса-да, маъмурият етарли хулоса чиқариб олмаяпти. Партия ташкилоти эса четда турмоқда.

— Оғир қўл кучини талаб қилувчи жараёнлар механизациялаштирилмаяпти,— деди слесарь Қ. Аҳмедов.— Келтирилган турли арматуралар, оғир жисмлар асосан қўл билан туширилади. Тўғри, участка ҳузурида иккита автокар бор. Лекин у кўп вақтдан бери бузилиб ётипти. Техникадан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар партия йиғилишларининг ўз вақтида ўтмаслиги, унда партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий масалалар камдан-кам муҳокама қилиниши, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан етарли назорат ўрнатилмаётгани ҳақида қайғуриб гапирдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар ишончини оқламаган слесарь Ю. Мясников секретарликка қайта сайланмади.

О. ХУШНАЗАРОВ.

АСОСИЙ ЭЪТИБОР— ҚАЙТА ҚУРИШГА

Пискент райони партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот сайлов йиғилишлари қизғин давом этмоқда. Бу йил 46 та группа, 70 та цех ва 49 та бошланғич партия ташкилотлари коллектив олдида ҳисоб беради.

Ҳалил Иброҳимов бошлиқ бригада коллективи ўтган йили эл хирмонига 400 тоннага яқин «оқ олтин» териб топшириган эди. Бу йил пахтакорлар 500 тонналик маррани кўзламоқдалар. Бунинг учун ҳосилдорликни кам деганда 40 центнерга етказиш керак. Илғор коллектив шу маррага эришиш учун бор куч-ғайратини ишга солмоқда. Уларнинг ташаббуси область партия комитети томонидан маъқулланди. Сайфул Сариев раҳбарлик қилаётган бригада коллективи эса пахтачиликни комплекс механизациялашга эътиборни кучайтиряпти. Бу йил ялпи ҳосилнинг 80 проценти машиналар билан териб олинади.

«Пискент» совхозида бундай ташаббускор коллективлар оз эмас. Уларнинг барчаси ҳисобот даврида пудрат усулида ишлаб яхши самараларга эришдилар. Бригадалар партия группасида бўлиб ўтган йиғилишларда бажарилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди, йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди.

Партия группаси ташкилотчиси Г. Жобиров ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам берувчи қатор таклифларни ўртага ташладилар. Айни пайтда социал соҳадаги камчиликларни тугатиш йўллари ҳам кўрсатилди. Ҳар иккала бригада коллективи истиқомат қилаётган қишлоқ йўллари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳадемай ҳосил йиғим-терими бошлангач пахта ортган транспорт қатнови яна ҳам кучаяди. Мавсум олдидан йўллар ва кўприкларни ремонт қилиш, асфальтлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан коммунист механизатор Мусаддин Шоазимов ҳисобот даврида партия сафларини ўстиришга эътибор берилмаганлигини танқид қилди. Шароф Мамедов эса агротехника қоидаларига қандай риоя этилаётганлиги устидан назоратни кучайтириш зарурлигини уқтирди.

Йиғилишда Пискент район партия комитетининг биринчи секретари А. Йўлчиев нутқ сўзлади.

А. АҲМЕДОВ.

• ФОТОРЕПОРТАЖ •

Турмуш гўзаллиги меҳнат билан

Ҳар бир оила турмушига ҳавас қилсангиз арзийди, Хонадонлар замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Газ, водопровод сувлари келтирилган. Хуллас ҳамма қулайликлар бор.

Тошовул посёлкасида шаҳар типидаги янги мактаб, савдо маркази қад кўтариб турибди. Колхоз правлениеси биноси ёнида эса маданият уйи,келин-қуёвлар уйи қурилмоқда. Яна битта болалар боғчаси ҳам яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади. Бу боғча Нариманов шаҳрида ягона бўлади. Турар-жой, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар қурилишини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда. Буларнинг ҳаммаси хўжаликка ишнинг кўзини билиб, моҳирона, истиқболни кўзлаб, ҳисоб-китоб билан раҳбарлик қилишнинг меваси-дир.

◆ СУРАТЛАРДА: колхознинг янги уй-жой посёлкаси умумий кўриниши; колхоз партия комитетининг секретари Жаҳонгир Қосимхўжаев пропагандистлар билан суҳбатлашмоқда.

Лойиҳа устахоналарида

БИР ЦЕХ... ЎНТАСИНИНГ ЎРНИДА

Тошкент мотор заводида сантехника ва инженерлик хизматлари учун ўнта хона ўрнига битта цех қурилди. «Ўзгипротяжпром» институтининг лойиҳачилари шу бўлинмаларнинг ҳаммасини битта корпусга жойлаштиришни таклиф этдилар.

Саноат оқинди сувини зарарсизлантирадиган ва тозалайдиган хизмат, мойлашсовитиш суюқликларини тозалайдиган ва тиклайдиган қурилма, такрорий сув таъминоти насос станцияси ва бошқа кўп хизматлар битта корпусда жойлашди. Мутахассислар кўпдан-кўп коммуникацияларни мақбул тарзда жойлаштирдилар, зилзилабардошлик талабларини назарда тутдилар.

Одатда ҳар бир шундай иншоот алоҳида-алоҳида лойиҳаланади ва қурилади. Лойиҳачиларнинг оригинал ечимлари туфайли мотор заводида 8 гектарга яқин ер бўшади. Қурилишда ҳам анча-мунча маблағ тежалди. Темир-бетон сарфи чорак ҳисса, металл сарфи бешдан бир ҳисса камайди. Ишлар одатдагидан 15 процент арзонга тушди. Лекин тежалган маблағ шулар билангина чекланиб қолмайди. Иншоотга хизмат кўрсатиш соддалигидан, уни ишлатишда ҳам меҳнат сарфи оз талаб қилинади.

«Узгипротяжпром» лойиҳачилари инженерлик хизматларини битта блок қилиб жойлаштириш методини «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси қуюв заводи қурилишида ҳам қўлладилар. Институт ҳозир лойиҳаларини ишлаб чиқаётган бошқа корхоналарда ҳам бу методни жорий этиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

СОДДА КОНСТРУКЦИЯ

▲ ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасининг рационализатори Ш. Поляков галати бир «упадон» ўйлаб топди. Бу қурилма ёйиб қўйилган газмолга бичиқ чизиғини туширишда ёрдам беради. Бичиқчи андозани солгач, латтадан фойдаланмайди, бўр билан синка тўзони кўтарилмайди. Поляков конструкцияси содда — тешиклари бўлган қутича ва поролон қатламидан иборат.

(ЎзТАГ).

ФАБРИКАДАГИ УЧРАШУВ

Марҳабо, ишчи ўринбосарлари!

ПОЙТАХТ мактаб ўқувчиларининг битирув кечасидан бир неча кун олдин тўқимачилар ўнинчи синф қизларини ва уларнинг ота-оналарини ўз корхоналарига таклиф этдилар. Биринчи йигирув-тўқув фабрикасида бир пиёла чой устида ўтказиладиган бундай қизиқарли учрашувлар анъанага айланиб бормоқда.

Бу сафарги учрашув реконструкция қилинган шинам ошхонада ўтди. Учрашув давомида қизлар ва уларнинг ота-оналари аёллар комплекси: замонавий гардероб, сауна, фен зали ва массаж хоналари билан яқиндан танишдилар. Буларнинг барчаси қизларда катта таассурот қолдирди, фабрикага нисбатан қизиқиш уйготди, шундан сўнг уларнинг кўпчилиги бу ерга келиб ишлашга аҳд қилганликларини билдиришди.

— Кечаги мактаб ўқувчилари илгаридан тўқимачилик ишлаб чиқариши билан яхши таниш эдилар,— дейди фабрика партия ташкилоти секретари Г. Нурмуҳаметова.— Мактабда ўқиш билан бирга Акмал Икромов районидаги мактабларароо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига қатнаган 114-, 129-, 228-, 245- ва бошқа мактаблар ўқувчилари Малоҳат Ҳакимова, Лена Иванова, Азиза Нодирова, Ира Григорьева, Дилдора Ғуломовалар тўқувчилик, йигирувчилик, калаваловчилик сингари муҳим касбларни 2 йил мобайнида тўла ўзлаштириб олдилар. Улар ўз маҳоратларини шу йилнинг февраль-март ойларида ўтказилган конкурсда намойиш этдилар. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш практикасида дугоналарига намуна бўлишди.

— Гапнинг очиғини айтганда,— деди қизларга қарата тўқувчи София Раҳмонова,— фабрика сизнинг ишчи қўлларингизга муҳтож. Бизга ишга келинглар, шунда асло янглишмаган бўласизлар. Мен 85-билим юртини битириб комбинатга ишга келганимга ўн йил бўлибди. Орзуларим рўёбга чиқмоқда. Бу йил тўқимачилик институтига ўқишга қирмоқчиман, лекин комбинатдан асло кетмайман.

Ёш ишчи Сожида Мусаева ҳам ана шулар ҳақида гапирди. Унинг фабрикада ишлаётганига бор-йўғи 3 йил бўлди. Ана шу қисқа вақт ичида коллектив ҳурматига, «Олтин қўлли мастер» деган шарафли номга сазовор бўлди. Сожида бу йил ишчи-ёшлар мактабини муваффақиятли тугатди, энди олий ўқув юртига кириб ўқиш нияти бор.

— Ҳурматли тўқимачилар, мазмунли суҳбатингиз, бизнинг шаънимизга айтган илиқ гапларингиз учун раҳмат,— деди битирувчилар номидан сўзга чиққан 228-мактаб ўқувчиси Ира Кузнецова.— 2 йил ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига қатнаб, калаваловчи бўлдим. Бу касб менга ёқади. Мен институтнинг кечки бўлимида ўқиб, кундузи комбинатда ишлайман.

Худди шундай истакни Барно Холмуҳамедова (114-мактаб), Қумри Ниғматова (129-мактаб)лар ҳам билдиришди. Қумрини, айтмоқчи яхшигина тўқувчи десак ҳам бўлади, у практика давомида 12 та станокка бемалол хизмат кўрсатган.

Учрашувга белгиланган вақт ҳам тугади. Ишчилар ҳам, битирувчилар ҳам бирбирларини қизиқтирган мавзулар хусусида узоқ суҳбатлашдилар, келажак планлари билан ўртоқлашдилар. Комбинат бош инженери Г. Здрюмова, партком секретари У. Султонова, биринчи фабрика директори В. Шименоваларнинг сўзлари диққат билан тингланди. Улар ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда комбинатнинг социал-иқтисодий ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар.

А. ГЕХТЛЯР,
комбинат ходими.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«САРСОНЛИК-САРГАРДОНЛИКДА...»

Газетанинг шу йил 30 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада автомобиль двигателидан чиқаётган газнинг заҳарлилигини ўлчаш ва аниқлашда йўл қўйилаётган камчиликлар, машина карбюраторларининг оборотини нормага келтиришда машиналарга техника хизмати кўрсатиш станцияларидаги жиддий нуқсонлар танқид қилинган эди.

«Узавтотехобслуживание» республика саноат бирлашмасининг бошлиғи А. А. Эшонхўжаевдан ана шу мақолага жавоб олинди. Унда мақолада билдирилган мулоҳазалар республика саноат бирлашмасининг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилганлиги, бирлашма адресига айтилган танқидий эътирозлар ҳаққоний ва тўғри эканлиги тан олинади.

Аҳолининг енгил машиналаридан чиқадиган ис гази миқдорини ўлчаш, уни белгиланган миқдорга мослаштириш иши автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциялари зиммасига юклатилган. Ҳақиқатан ҳам Тошкентдаги ис гази миқдорини ўлчайдиган асбоблар билан таъминланган 5-техника хизмати кўрсатиш станциялари фаолиятида тартибсизлик ва нуқсонлар кўп. Ана шу камчиликларни тугатишга бефарқ қараган ходимлар маъмурий йўсинда жазоландилар.

Шу кунларда аҳолининг енгил автомашиналаридан чиқадиган ис газини аниқлаш ва уни нормал ҳолга келтириш постларида ишлайдиган қирқ киши қайта ўқитилди ва малакаси оширилди. 1-, 5-, 6-, 17- ва 18-техника хизмати кўрсатиш станциялари ҳузурида бундай постлар ишлаб турибди. Газ исини ўлчайдиган бир неча аппарат ремонт қилингач, иккинчи ва еттинчи станцияларда ҳам ана шундай постлар ишлай бошлайди.

1985 йилда саноат бирлашмасига Узбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги битта газ анализ қиладиган инфралит аппарати ажратишни планлаштирган эди. Уни ҳам беришмади. Худди шунга ўхшаш аҳвол бу йил ҳам давом этмоқда. Бирлашмага қарашли 62 та техника хизмати кўрсатиш станцияси ва 138 та устахонага шундай аппарат ажратиш IV кварталга бор-йўғи 2 дона планлаштирилган.

Мавжуд АСТ-70, АСТ-75, ЭЛКОН-105 аппаратлари газ исини аниқ ўлчамаганлиги учун Узбекистон Давлат стандарти томонидан ундан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бундай аппаратлардан бирон донаси бирлашмага ажратилган эмас. Ана шу муаммолардан қатъий назар «Ташавтотехобслуживание» саноат бирлашмаси бор имкониятларни ишга солиб, газ исини ўлчаш аппаратларига эга бўлган техника хизмати кўрсатиш станцияларида ишни дам олиш кунисиз икки сменада ташкил қилишни йўлга қўйди.

БИОУСУЛ ВА САЛОМАТЛИК

ҲАШАРОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА БИОЛОГИК УСУЛДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

МУТАХАССИС МИНБАРИ

СОВХОЗИМИЗ пахтакорлари бу йил 2853 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Давлатга 8 минг 550 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай миришкорларимиз гектарларни тўлиқ, кўчатларни бут қилиш учун зарур тадбирларни амалга оширдилар. Ҳозиргача экинга уч марта шарбат суви берилди, беш марта ишлов бердик. Ғўзаларимиз кўнгилдагидек авж олаяпти, Ҳосил шохлари 15—16 тадан ошиб қолди. Ҳар тупда 9—10 тадан тўқ қўсак бор. Биз бундан буён ҳам парваришни сусайтирмаймиз.

Техника деҳқоннинг мададкори. Бусиз пахтачиликни тасаввур қилиш қийин. 1986 йилда етиштирилаётган ҳосилнинг катта қисмини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олишни планлаштирганмиз. Шу туфайли айни дамларда барча бригадаларда ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга эътибор берилаяпти. Текис майдонлардаги ғўзалар машинада, қия ердагиси қўлда чеканка қилинади.

Мақсад арзон, сифатли, мўл ҳосил етиштириш. Шундай бўлгач, ҳар бир тадбирни амалга оширганда тежамкорлик бош масала қилиб қўйилмоқда. Масалан, ғўза зараркунандаларига қарши курашни олиб кўрайлик. Олдинги беш йилликларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда БИ-58, антио, кильтан, изофан, омайт, олтингугурт порошоги каби химиявий препаратлардан кенг фойдаланардик. Бу дориларни сотиб олиш ва ишлатиш хўжаликка қимматга тушарди. Бундан ташқари зарур пайтда ҳамиша топилавермасди.

Лекин очиғини айтиш керакки, қишлоқда химиявий препаратлар билан ишлаш қоидаларига ҳамиша ҳам риоя қилинавермайди. Кўп ҳолларда бу иш билан шуғулланувчи одамлар ҳимоя воситаларидан фойдаланмайдилар. Албатта, бундай ҳолатда дорилар инсон организмига таъсир қилмасдан иложи йўқ. Биологик усул қўлланилганда эса атроф муҳит тоза бўлади. Инсоннинг саломатлигига асло путур етмайди. Кўплаб миқдорда маблағ тежалади.

1983 йилни олиб кўрайлик. Ўша йили 3 минг гектар ерда ғўза ўстирдик. Зараркунандаларга қарши кураш учун сотиб олинган химиявий препаратлар ва уларни ишлатишга 169 минг сўм сарфланди. Бу экин майдонининг ҳар гектарига 63 сўмданга тўғри келди. Натижада пахтанинг таннархи планлаштирилганидан юқори бўлди. Шунинг учун ҳам 1984 йилдан бошлаб биологик усулни қўллай бошладик. Бу соҳада бизга асосан районимизда иш бошлаган биофабрика ходимлари яқиндан ёрдам бера бошладилар.

Шуни унутмаслик керак: биз амалга ошираётган ишлар озгина бўлса-да, табиатга ёрдамдир. Гап шундаки, кушанда ҳашаротлар илгарилари ҳам бор бўлган. Лекин биз баъзи ҳолларда химиявий дорилардан белгиланган нормадагидан ортиқ фойдаланганлигимиз туфайли улар қирилиб йўқ бўлиб кетган эди. Биофабрикада эса ана шу йўқ бўлиб кетган фойдали ҳашаротлар қайтадан жонлантирилиб қўпайтирилади. Биометодининг фақат ўсимликлар дунёси учунгина эмас, балки инсон саломатлиги учун ҳам фойдаси катта эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Совхозимизда 29 назоратчи бор. Уларнинг ҳар бирига 100 гектардан майдон биркитилган. Назоратчилар карталарни айланиб, зарарланган майдонларни белгилаб чиқишди ва бундан агрономни хабардор қилишди. Шундан сўнг далаларга кушанда ҳашаротларни қўйишга киришилди. Бу иш шундай ташкил этилади.

Шиша идиш ичига ёғоч қириндиси солиниб, унинг устига бир ёки икки грамм трихограмма қўйилади. Идиш оғзи латта билан беркитилган бўлиши лозим. Далага эрталаб ёки кечки пайт олиб чиқилса самараси яхши бўлади. Бир гектар жойдаги экин учун бир грамми кифоя. Агар зарарланиш даражаси юқори бўлса унда 1,5 граммгача ҳар 10 метрга тўртбурчак шаклида қўйилади. Чунки трихограмма учмайди, 5—7 метргача ўрмалаб бориб, зараркунанданинг тухумини ахтариб топади, сўнг унга ўз уруғини қўяди. Зараркунанда тухуми трихограмманинг қўпайиши учун озуқа вазифасини бажаради. Шундай қилиб бу фойдали ҳашарот даладаги кўсак қурти, кузги тунлам, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг 80—85 процентига қирон келтиради.

Трихограмма далага қўйилгандан икки кун ўтгач бегона ҳашаротлар тухуми қорайиб қуриб қолдими, бу унинг самараси яхши бўлаётганидан далолат беради. Мабодо трихограмма излаётган тухумни топа олмаса, у ҳолда зараркунанда кўсак қуртига айланади. Энди ғўзага эмас, балки пишаётган ҳосилга зиён етказа бошлайди. У ҳолда қуртга қарши габробракондан фойдаланилади.

Шиша идишга минг донагача габробракон жойланади. Пахтазорга тарқатиш учун эса идиш оғзи қуёшга қаратилади. Ёруғсевар бўлган ҳашарот ташқарига чиқиш учун ҳаракат қилади. Назоратчи ва агроном ҳар 10 метр кенгликда, 40 метр узунликда идиш оғзини бир марта очиб ёпади. Шунда бештагача габробракон учиб чиқади, далага тарқалади. Бу ҳашарот уч километргача учиб бориш қобилиятига эга. 100 туп ғўзада тўрт ёки бешта кўсак қурти мавжуд бўлганда ҳар гектарига 200 тадан 800 тагача габробракон қўйиш фойдалидир. Габробракон излаётган қуртни топиб, унинг бош қисмидан зарарлайди ва қурт танасига 35—50 тагача ўз уруғини қўяди.

Ҳисоб-китобларга қараганда ўтган йили зараркунандаларга қарши биологик усул билан курашилганда ҳар гектар экин майдонига 13 сўм сарфланибди. Бу эса химиявий усулга нисбатан тўрт баравар арзондир. Пировард натижада 100 минг сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинди. Етиштирилган ҳосилнинг таннархи анча арзонлашди. Бу йил янада яхши натижага эришишга ҳаракат қиляпмиз.

Совхозимизнинг К. Ҳусанов, Т. Ҳамидов, Ш. Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг И. Бурхонов, А. Ҳосимова ва Х. Имяминов сингари назоратчилари ғоят сергаклик билан ишлаб ҳосилни ҳимоя қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Биз мўл ҳосил етиштириш учун бошқа агротехник тадбирларни ҳам маромида амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Август ойининг ҳар дақиқасини ғаниматбилиб, ички имкониятларимиздан тўла фойдаланиш учун курашяпмиз. Теримга тайёргарликни ҳам кучайтириб юбордик. Шай қилиб қўйилган техника яна бир бор синчиклаб текширилмоқда. Вазифа — фан-техника тараққиётидан самарали фойдаланиб, илғорлар гажрибасини ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, мўл, арзон, сифатли маҳсулот етиштиришдир. Шу мақсад йўлида ишларимизни қайта қуриш, янгича фикрлаш, ўйлаш учун изланишни тинмай давом эттирамиз.

Х. ТУРОНОВ,
Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди совхози агрономи.

МАСЛАҲАТ БЕРИШДИ

БИР НЕЧА йилдирки Фрунзе номли колхознинг Қундузой Аширова етакчилик қилаётган 7-, ҳамда Зоҳида Қўзиева бошчилигидаги 8-бригада аъзолари ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилишмоқда. Бу беллашув эртаги, мўл, арзон ҳосил етиштиришда қўл келяпти.

Яқинда 7-бригада далаларини айланган мусобақадошлар ютуқлар билан бирга ғўза парваришида йўл қўйилган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Айниқса, баъзи карталарда ғўзалар чала чеканка қилинганлигини алоҳида таъкидлашди. Ғўзалар ўсиб кетган. Бу ҳолда ҳосилни машинада териш қийинлашишини, гектаридан 35 центнердан пахта етиштиришмушкул бўлиб қолишини очиқ айтишди.

Мусобақадошларнинг танқидидан ҳулоса чиқарган бригада аъзолари зарур тадбирлар белгиладилар ва уларни амалга оширишга киришдилар.

А. АБДУФАТТОҲОВ,
Бўка райони.

ФОТОРЕПОРТАЖ

ТУРМУШ ҒЎЗАЛЛИГИ МЕҲНАТ БИЛАН

СУРАТЛАРДА: фермaнинг илғор сут соғувчилари (чапда) Раҳима Қурбонова, Мавлуда Йўлдошева, Турсуной Ҳолиқова, Фарида Мелдибекова, Ҳадича Эргашевалар; каноп ўрими пайти: ВЛКСМ аъзоси, район Совети депутати Хуринисо Ашуралиева ўримда пешқадамлик қилмоқда. Бригада бошлиғи Худойберган Дадашев (чапда) ва механизатор Мирзатоир Шохобов ўртоқлар ҳосил сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Бу мўлжалдагидан 3975 тонна кўпдир. Ана шу ҳосилнинг 75 проценти машиналарда терилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, колхоз кўп йиллардан буён етиштирилган ҳосилни ўз кучи билан, ёрдамчиларсиз саранжомлаб олмоқда.

...Раис устахонадан чиққач канопзорларга йўл олди. Сўнгра озуқачилик бригадалари иши билан танишди. Сут-товар фермасида бўлади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ўз жойида ҳал қилишга ҳаракат қилади. Колхознинг бош мутахассислари — бош агроном Олтой Шеримбетов, бош инженер Паладий Афанасьевич Тен ва бошқаларнинг иш услуби ҳам худди ана шундай. Раис рация орқали улар билан кун бўйи алоқа боғлаб туради.

— Энг муҳими, — дейди раис, — кишилар билан ҳамнафас иш олиб боришдир. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасидаги аҳволдан огоҳ бўлиш даркор. Бунинг учун эса хонада камроқ ўтириш, қоғозбозлик билан камроқ шуғулланиш талаб этилади. Одамларни ишдан чалғитмаслик керак. Уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Ана шунда меҳнатларни унумли бўлаверади.

Ҳа, худди шундай. Бунинг учун колхозда маблағ етарли. У миллионер хўжаликлардан ҳисобланади. Ўтган йили йиллик даромад 5 миллиондан ортиб кетди. Соф фойда 1 миллион 206 минг сўмни ташкил этди. Колхоз посёлкаси кенгайиб йилдан-йилга обод ва кўркам бўлмоқда. Хўжаликнинг марказий кўчаси бўйлаб сайр қилиб, хоҳлаган хонадонингизга киринг, ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта. Йўлларга асфальт ётқизилган. Бир-биридан кўркам ва чиройли қурилишлар диққатингизни тортади.

Колхозчиларнинг даромадлари ортиб, иш ҳақлари кўпайиб бормоқда. Ўтган йили колхозчилар пировард натижага кўра ишлаган ҳар бир сўмларига 1 сўм 17 тийиндан қўшимча ҳақ олдилар. Илғор бригадаларда бу кўрсаткич 1,5 сўмга тўғри келди. Социалистик мусобақа ғолиблари қимматбаҳо буюмлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда колхоз меҳнаткашлари яхши меҳнат қилиб, яхши яшаб, яхши дам олмоқдалар.

ОБУНА—86

БЕШ ХИЛ МАВЗУДА

Республика «Билим» жамияти нашр этаётган фото подборкаларга хўжаликлар пул ўтказиш йўли билан обуна бўлмоқдалар. Подборкалар беш хил мавзуда чиқарилмоқда. Уларнинг бир туркуми «КПСС XXVII съезди қарорлари—қаётга» деб номланса, яна бир туркуми «Ўзбекистон ўн иккинчи беш йилликда» деб аталган. Кўпгина фотосуратларда Ўзбекистон қўриқхоналари, ўлкамизнинг оромбахш жойлари тасвирланган.

Паркент районидаги 17 та хўжаликнинг ҳаммаси фото подборкаларга қизиқиш билан ёзилишди. Улар ҳозир дала шийпонларини безаб турибди. Омма ўртасида суҳбат ва лекция ўтказаётган оғзаки сиёсий агитация кадрлари фото подборкада келтирилган факт ва рақамлардан унумли фойдаланмоқдалар. Кейинги ўн кунликда район хўжаликларида 40 дан ортиқ лекция ва суҳбат ўтказилди.

Районда янги йил матбуоти учун ҳам обуна қизғин бораяпти. Жамоатчи матбуот тарқатувчилар бевосита дала шийпонларида, ферма ва устахоналарда обуна тўпламоқдалар. Сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар ҳар бир матбуот нашри ҳақида совхоз ишчиларига маълумот бермоқдалар.

А. НАБИХУЖАЕВ,
жамоатчи мухбир.

БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Алишер Навоий номидаги кутубхона республикамиздаги энг йирик зиёхона ҳисобланади. 116 йилдан бери халққа хизмат қилиб келаётган бу кутубхонанинг энг актив китобхонлари орасида В. П. Филатов, А. Ю. Якубовский каби профессорлар, Алексей Толстой ва Всеволод Иванов сингари таниқли адибларнинг ҳам номлари бор. Қоларверса бутун ўзбек ёзувчи ва шоирларининг шаклланиши, камол топишида кутубхонанинг ҳиссаси катта. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин ва бошқа ўнлаб атоқли ёзувчилар ўз маънавий дунёларини шу ерда бойитганлар.

Кутубхона фонди тобора ортиб бораяпти. Масалан, ташкил этилганлигининг юз йиллиги арафасида унинг жавонларида 3 миллион 628 минг нусха китоб сақланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 4,5 миллиондан ошиб кетди. Унинг фонди ҳар йили 200 минг китобга ортиб бормоқда. Навоий номидаги кутубхона жаҳонинг 37 мамлакатидаги 110 га яқин йирик кутубхона билан ҳамкорлик қилиб туради. Ҳиндистонинг Бомбей ва Калькутта халқ кутубхоналари, Англиянинг қиролича ва Лондон университети кутубхоналари, Стамбул, Теҳрон, Қоҳира, Қобул, Берлин, Рим кутубхоналари ана шулар жумласидандир. Унинг хизматидан ҳар йили 320 мингдан зиёд китобхон фойдаланмоқда. Шу жумладан, нодир китоблар фонди ҳам улар хизматида. Бу фондда 13 мингта ноёб китоб бор. Шундан 500 дан зиёди кейинги ўн беш йил давомида топилди. Навоий «Хамса»сининг асл нусхаси, Ефремов-Пугачевнинг «Россия унтер-офицерининг саргузаштлари» китоби, жаҳонда ягона ҳисобланган 591 томлик «Туркестанский сборник» («Туркистон тўплами»), Афанасий Никитининг «Уч денгиз оша» китоби шулар жумласидандир.

Кутубхонада 17 бўлим ишлаб турибди. Уларнинг энг йириги — китобларни сақлаш ва уларни реставрация қилиш, библиография, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва илмий методика бўлимларидир. Шу билан бирга у республикадаги барча кутубхоналар учун методик марказ ҳам ҳисобланади. Бу ерда методик қўлланмалар ва тавсиялар ҳам тайёрлаб, нашр этилади. Яқинда босмадан чиққан «Ўзбекистон кутубхонашунослиги»нинг 15-сони фикримизнинг далилидир. Унда республикадаги кутубхоналарнинг иш тажрибаси умумлаштирилган.

Классик меросимизни ўрганиш, уларни сақлаш борасида катта ишлар амалга оширилиб, партия ва ҳукуматимизнинг нодир қўлёзмалар ва нашрларни сақлаш тўғрисидаги қатор кўрсатмалари ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилиняпти. Шу йилдан бошлаб нодир қўлёзмалар архив фондига ўтказилди.

Нодир қўлёзмаларни тўплаш бўйича катта ишлар олиб бориляпти. Бу эса китобхонлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Кейинги пайтда 20 дан ортиқ нодир қўлёзма ва нашрлар кенг омма ёрдамида тўпланди.

Кутубхонада муҳим саналар, воқеаларга бағишланган кўргазмалар, кечалар ва учрашувлар ўтказиб туриш анъанага айланган. КПСС XXVII ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездларига, Навоий «Хамса»сининг 500 йиллиги, пушкинхонлик кунларига бағишланган кўргазма, учрашув ва кечалар ана шулар жумласига киради. Бу ерда нафақат мамлакатимиз, республикамиз, балки ҳамдўст социалистик мамлакатлар шонли саналарига бағишлаб ҳам учрашув ва кўргазмалар уюштириб турилади. Македония, Мўғулистон, Вьетнам кунлари, Ҳиндистон мустақиллиги куни нишонланди. Муҳим саналар олдидан чет эл китоблари савдо кўргазмаси ҳам ўтказилади. Шу кунларда кутубхонада шонли сана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллигига қизғин тайёргарлик кетяпти. Бу ишда кутубхона ветеранлари, тажрибали ходимлар — Е. Г. Беленкая ва М. А. Аҳроровалар билан бирга ёшлар Х. Рихсиева ва М. Фахруддиновалар ҳам ғайрат кўрсатишмоқда.

Кутубхонада студент-ёшларнинг пухта билим олишлари, маданий меросимиздан баҳраманд бўлишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Кенг ва ёруғ иккита зал улар хизматида. Бири ўсмирлар зали бўлса, иккинчиси умумий ўқув залидир. Ўсмирлар зали 9—10 синф ўқувчилари ва 1—2 курс талабаларига хизмат кўрсатади.

Умуман кутубхона хизматидан кунига 1000 дан ортиқ, йилига 320 минг китобхон фойдаланади. Бунга кутубхона фондининг бойлиги, ундаги ноёб нашрларнинг ортиб бораётганлиги, хизмат кўрсатиш савиясининг юқорилиги туфайли эришилмоқда. Бироқ китоб фондининг тобора ортиши билан жой етишмаётганлиги кутубхона маъмуриятини ташвишга солмоқда. Шу кунларда ҳам бу ерда 1 миллиондан ортиқ (бу кейинги 15 йил давомида йиғилган китоблар сонига қарийб тенг) нашрлар боғламлигича турибди. Тошкент шаҳар ижроия комитети маданиятимизнинг фахри бўлган бу бебаҳо бойлигимизни яхши асраш учун қўшимча бинолар ажратиб беришига умидвормиз.

Р. ИЎЛЧИЕВА.

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ КУТУБХОНАСИДА

КИТОБ—ОММАГА

ЖАМОАТЧИ ТАРҒИБОТЧИЛАР

Инсон учун бутун маънавий бойликларнинг манбаи — китоб. Ана шу бебаҳо хазинадан кишиларни баҳраманд қилувчилар — китобсеварлардир. Турли соҳа кишиларинки каби уларнинг касблари ҳам масъулиятли ва шарафли. Кўп ўқишлари, ўрганишлари ва тарғиб қила билишлари керак. Ўз меҳнатларининг самарасини кўрганда улар севинадилар, турли китобларни ўнлаб, юзлаб кишиларга етказганликларидан қувонадилар.

Хайоли ишларни бажаришдаги сидқидилликлари учун китоб мухлислари эътибори ва ҳурматини қозонаётган жонкуярлар сафи областимизда йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Булардан бири — Ангрен шаҳридаги «Прометей» магазин-клуби раиси Любовь Даниловна Захаровадир. Шаҳарда ўтган беш йилликда китобсеварлар бошланғич ташкилотларининг сони анча ортди. Натижада халқ китоб магазинлари, жамоатчилик асосида фойдаланиладиган шахсий кутубхоналар ҳам кўпайди. Шаҳарда ким билан суҳбатлашманг, Любовь Даниловна ҳамда китобсеварлар жамияти Ангрен шаҳар бошланғич ташкилотининг масъул секретари Наталья Подрезоваларнинг яхши ишларидан мамнун бўлиб гапиришади.

— Биров куй тинглашга, биров қўшиқ айтишга, биров эса табиатга шайдо, — дейди Л. Захарова.— Мен китобларга мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ меҳр қўйганман. Бунинг учун адабиёт ўқитувчиларимдан беҳад миннатдорман.

Актив китоб пропагандистларидан яна бири — Мастура Ишмуратовадир. У китобсеварлар жамияти Оржоникидзе район бошланғич ташкилотининг масъул секретаридир. Район кутубхоналарида, китоб магазинларида мунтазам бўлиб туради. Китобларнинг қандай оммалашаётганлиги, аҳолига қай даражада етказиб берилаётганлиги билан доим қизиқади. Кутубхоналарда, дала шийпонларида ўтказиладиган адабий кечалар, баҳс давралари, мактабларда ўтадиган «Китоб—дўст, ҳамроҳ, маслаҳатчи» гурунгларида фаол қатнашади. Бундай баҳсларда Мастура билими, маҳорати ва қобилиятини китоб пропагандасига бағишлайди. Унинг ташаббуси билан «Қизил Ўзбекистон», «Коммунист», «Правда» колхозларида китобсеварларнинг сони икки минг кишига кўпайди.

Тошкент кооператив техникуми китобсеварлар бошланғич ташкилотининг раиси Малика Усмонова эса ёшлар орасида бадиий адабиётлар билан бирга, сиёсий, иқтисодий адабиётларни кенг пропаганда қилмоқда. Унинг ташаббуси билан техникумда иқтисодий китобларни ўқувчилар тўгараги ташкил этилди. Техникум китобсеварлари қизиқарли бадиий кечаларни тез-тез уюштириб турадилар. Бундай кечаларга ота-оналарни ҳам таклиф этмоқдалар. Худди шундай тадбирлар кейинги йилларда Паркент райони китоб мухлислари орасида ҳам мунтазам ўтмоқда. Китобсеварлар жамияти район ташкилоти бу соҳадаги ишни анча жонлантирмоқда.

— Тўғрисини айтсам илгари бу ишга лоқайдлик билан қаровчилар кўп эди, — дейди китобсеварлар жамияти район ташкилоти масъул секретари Гулсара Исломова,— район партия, совет ташкилотлари ёрдам беришгандан кейин аҳвол тамомила ўзгарди. Деярли ҳар бир хўжалик, муассасада, мактабларда китобсеварлар бошланғич ташкилоти тузилди. Улар орасида Социалистик мусобақа йўлга қўйилди.

Гулсара бизга районда китобсеварлар сафини кенгайтиришда актив иш олиб бораётган кўпгина ёшлар ҳақида гапириб берар экан, у Паркент район халқ маорифи бўлими методисти, китобсеварлар жамияти РайОНО бошланғич ташкилотининг раиси Хинагул Йўлдошева ҳақида алоҳида тўхталди. Хинагул методистликдан ташқари, ҳаракатчан китобсевар ва сиёсий ахборотчи сифатида ҳам кўпчилик орасида ҳурмат топмоқда. У қайси даврада бўлмасин, ўз суҳбати билан китобнинг қудратли маънавий куч эканлигига ишонч уйготмоқда. Китобсеварлар жамияти Тошкент область ташкилоти правлениесининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида унинг ҳам номи илғор китоб тарғиботчилари қаторига тилга олинди. Ҳамкасб дугоналари сингари унга ҳам мукофот топширилди. Ўзларига бўлган эътибордан беҳад миннатдор бўлган китобсеварлар бир-бирларини самимий қутладилар.

С. ҲАСАНОВ.

◆ Суратда: Китобсеварлар жамияти Тошкент область ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган пленумида актив фаолиятлари учун тақдирланган тарғиботчилардан бир группаси (чапдан ўнгга) Любовь Захарова, Мастура Ишмуратова, Малика Усмонова, Наталья Подрезова, Хинагул Йўлдошева ва Гулсара Исломовалар.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

АҚШ АҲОЛИСИ

◆ ВАШИНГТОН, 20 август. (ТАСС). 1986 йил 1 январига қадар АҚШ аҳолиси сони 240,5 миллион кишини ташкил этди. АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюроси шуни хабар қилди.

Негр аҳолиси сони 29,2 миллион кишини ташкил этди. Қўшма Штатлар аҳолиси ўсиш суръати 1985 йилда умуман 0,9 процент бўлди. Бюро докладида 1984 йилда туғилган қора танли американликларнинг ўртача статистик умри аввалгидек оқ танлилар умрига нисбатан қисқа бўлади.

ПОКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

◆ ИСЛОМОБОД, 20 август. (ТАСС). Покистонда оппозиция раҳбарлари қамалганлигига ҳамда маъмурларнинг мустабид сиёсатига қарши оммавий норозилик митингларни ва намойишлари давом этмоқда. «Муслим» газетасининг хабар беришича, кейинги икки кун ичида Синд вилоятида намойишчилар билан полиция ўртасида қаттиқ тўқнашувлар рўй бериб, бунинг натижасида 16 киши ҳалок бўлган. Вилоятдаги 15 округнинг ҳаммасида ғалаёнлар бўлиб турибди. Вилоят территориясининг кўп қисмида автомобиль ва темир йўл қатнови бузилди. Операцияларда армия бўлинмалари қатнашмоқда. Бронемашина ва юк машиналарига тушган солдатлар Синд вилоятининг кўпгина шаҳарлари кўчаларида соқчилик қилмоқда.

◆ ПАРИЖ, 20 август. (ТАСС). Знёул Ҳақ режимига қарши оммавий ҳаракат ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Турмада азоб чекиб ётган Беназир Бхутто ва бошқа сиёсий маҳбуслар озод этилсин, деб талаб қилиниб, ҳукуматга арши намойишлар Покистонда кун сайин зўрайиб бормоқда, деб таъкидлайди Франция телекомпаниялари.

◆ ДЕҲЛИ, 20 август. (ТАСС). Знёул Ҳақ режими мамлакатни бошқаришда диктаторлик методларидан воз кечишни мутлақо истаётганлиги сабабли Покистонда парокандалик ва зўравонлик янада кучайиб кетиши хавфи туғилмоқда. Покистонликларнинг кўпчилиги диктаторлик методлари билан муроса қилиш ниятида эмас, деб ёзади «Ҳиндустан таймс» газетаси. Исломобод демократияни тиклаш йўли дан бормас экан, Покистонда зўравонлик яна авж олади. «Знёул Ҳақ режими Қўшма Штатларнинг мададига таянибгина оппозицияга нисбатан шафқатсиз жабр-зулм лар қилмоқда», — деб ёзади газета.

Замонавий тўйлар

«ШОДЛИК»ДА ШОДИЁНА

РЕПОРТАЖ

Йўлдош ота ҳам, Руқия опа ҳам бу кунни орзиқиб кутишди. Тўнғич фарзандларини уйли-жойли қилишган. Энди навбат кенжа қизники.

Мана, ўша бахтли онлар ҳам келди. Бугун Шоҳрахоннинг тўйи. Бу кечани қиз ва йигит томондагилар келишган ҳолда Келесдаги янги очилган «Шодлик» ресторанда ўтказишга аҳд қилишган. Ресторанниг катта зали дид билан безатилган. Дастурхонлар шай. Ҳали замон келин-куёвлар ҳам келиб қолишади.

Фойеда кўксини орден ва медаллар безаб турган кўплаб отахонлар, нуроний оналар, ёшлар. Биз Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Муҳаммаджон Абдуллаев билан суҳбатлашамиз. У фаровон турмушимиздан, ёшлар тақдиридан беҳад мамнун. Бири-биридан гўзал йигит-қизларга ҳавас билан боқади.

—Ҳар гал тўй тантанасини кўрганимда, тўқининиб кетаман,— дейди отахон.— Бизнинг ёшлигимиз оғир дамларга тўғри келди. Бунақанги кунларни тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Лекин сиз — фарзандларимиз, набираларимизга ана шундай қувончли ҳаёт насиб қилганидан жуда хурсандмиз. Сизлар учун ҳамма нарса муҳайё. Ҳар қанча ўйнаб-кулсангиз, қувонсангиз арзийди

Бундай шароит учун, албатта, партия ва ҳукуматимизга таъзим қилиб, раҳматлар айтамиз.

Шўх музика садолари остида келин-куёв ёру-дўстлари билан кириб келишар экан, «Тўйлар муборак» қўшиғи янграйди. Унга меҳмонлар ҳам жўр бўладилар. Келин билан куёвга дўстлари гулдасталар тутқазадилар.

Миллионлаб бахтли онлалар қаторидан ўрин олган икки ёшни район ветеранлар Совети-нинг раиси Турдиали Шарипов табриклар экан, уларга бахт-саодат ва боқий умр тилаб, никоҳ гувоҳномасини топширди.

Яна қўшиқ янгради. Область «Ёш овозлар» конкурсининг ғолиби Бахтиёр Исажонов ҳамда район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ёшларни дилрабо қўшиқлар билан олқишлайдилар. Улар ижро этган шўх оҳанглар йигит-қизларни рақса чорлайди.

Келин-куёвни барча район ёшлари номидан район комсомол комитети секретари Хуршида Ҳожиева қутлайди.

— Бугунги тўй маросими ресторанда нишонланаётганининг боиси,— дейди район маданият бўлимининг мудири Бахтиёр Ҳидоятов,— турмушимизни сермазмун анъаналар ва урф-одатлар билан тўлдириш, эскилик иллатларини бартараф этишдан иборат. Бундан кейин ҳам кўпгина ёшларнинг тўйларини шундай давраларда ичкиликсиз, исрофгарчиликсиз ўтказамиз.

Райондаги 6-мактаб ўқитувчиси Шоирахон, Тошкент трактор заводининг цех мастери Анваржонларнинг қувончи чексиз. Улар мустақил ҳаёт йўлига дастлабки қадамни қўйишди. Олдинда турмуш синовлари. Ёшлар ўз ота-оналаридек, устозларидек тўғри йўлни танлаб олишга ва бу йўлдан оғишмай одимлаб боришга интиладилар...

...Майин куй янграйди. Севги-вафони, меҳр-муҳаббатни таранним этувчи қўшиқ шўх-шўх куйларга уланиб кетади. Қалбларга ором бахш этган тўй шодиёнаси унинг иштирокчилари хонадонларига ҳам нурдек таралади.

Р. УСМОНОВА.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

СИНМАГАН ҚАНОТ

Бекободлик Улуғ Ватан уруши инвалиди Холтўра Қурбоновнинг айтганлари

Холтўраман, Қурбон ўғлиман,
Бекободлик деҳқон ўғлиман,
Сир соҳили қадим Мирзачўл.
Бўлган менинг ҳаётимга йўл,
Йигит эдим, ўн саккиз ёшда,
Ишқ бор эди у қалам қошда,
Ун еттида эди Тожихон,
Унинг билан гул эди жаҳон.
Шундай дамда ишқни тўсди ғов,
Пайдо бўлди чегарада ёв.
Замин ёнди, бошланди уруш,

Жанг домига дуч келди турмуш.
Икки таёқ икки қўлтиқда,
Юрай десам оёғим йўқда.
Тутай десам йўқ икки қўлим,
Четлаб ўтган шу хилда ўлим.
Малол келур босган ҳар қадам,
Лекин гўзал менга бу олам.
Қишлоқ четн, яшил майсалар,
Шабадалар юзимни силар.
Ёнда аёл — Тожихоним бор,
Оёқ-қўлим, тану жоним бор.

Сигир, қўйлар ўтлар ёнимда,
Жангдан қолган ўқ бор танимда.
Мен—отаман, бор олти болам,
Еттинчиман хотинга мен ҳам.
Мени билар Волга, Днепр,
Кўкка чанги кўтарилган ер.
Мени билар мағлуб бўлган ёв,
Фашистларни қирдим беаёв,
Асраб қолдим элни ўлимдан,
Ёв ажратди оёқ-қўлимдан.
Мажруҳ бўлиб қолдим майдонда,
Мендақалар озмас жаҳонда,
Ҳеч ким мендай майиб бўлмасин,
Умидлари ғойиб бўлмасин,
Ачинмайман мажруҳ ҳолимга,
Ватан ғамхўр истиқболимга.
Мен урушни эслайман бот-бот,
Мен— дунёда синмаган қанот,
Мен—жангтоҳдан қолган бир гувоҳ,
Бўлсин дунё сўзимдан огоҳ:
Оёқ-қўлсиз қолмасин инсон,
Тинчлик билан барқ урсин жаҳон!

НАЗАРМАТ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

СИЁСИЙ ПЛАКАТ КОНКУРСИ

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, Ўзбекистон рассомлар ва журналистлар союзлари, республика маданият министрлиги, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти, республика идораларо сиёсий плакат кенгаши «Тинчлик ва социал тараққиёт учун» деган шиор остида сиёсий плакат конкурсини эълон қилдилар. Конкурс Улуғ Октябрь социалистик революциясининг яқинлашиб келаётган 70 йиллигига бағишланган.

Жаҳон тарихида Улуғ Октябрнинг роли ва аҳамиятини, тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини жиловлашда КПСС ва Совет давлати ленинча сиёсатининг изчиллигини акс эттирувчи плакат санъати асарларини яратиш — конкурснинг мақсадидир.

Конкурсда қатнашиш учун профессионал рассомлар, бадиий олий ўқув ва билим юртларининг студентлари, муаллимлари таклиф этилдилар. Конкурс қатнашчилари полиграфия учун яроқли ҳар қандай техника билан ишланган плакатларнинг оригиналларини тақдим этишлари керак.

Конкурс ишлари Ўзбекистон рассомлар союзининг виставкалар залида ўтказилувчи республика виставкасида 15 сентябрдан 30 сентябргача кўрсатилади. Уларнинг энг яхшилари «Тинчлик ва социал тараққиёт учун» мавзуида Москвада ўтказиладиган халқаро сиёсий плакат конкурсида қатнашиш учун тавсия қилинади.

Республика конкурсининг ғолиблари учун битта биринчи мукофот — 500 сўм, ҳар бири 400 сўмдан иккита иккинчи мукофот ва ҳар бири 300 сўмдан учта учинчи мукофот, шунингдек ҳар бири 200 сўмдан олтита рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилди.

[ЎзТАГ].

Спорт

ҚИСҚА ЎЙИН

◆ Каспаров билан Карпов 5 кунлик танаффусдан сўнг яна шахмат тахтаси ёнида ўтирдилар. Бу гал ўйинни Карпов бошлаб берди. Томонлар аввалига 5-партиядаги юришларни (Грюнфельд ҳимояси) айнан такрорладилар. 7-юришдан Каспаров янгича йўл қилди. Томонлар ташаббусни қўлга олиш учун ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, кучлар мувозанатини ўзгартириб бўлмади. 20-юришдан сўнг дурангга келишдилар. Шундай қилиб, ҳисоб Каспаров фойдасига 5:4 бўлди.

Бугун 10-учрашувда оқ доналар билан жаҳон чемпиони ўйнайди.

Ё Ш БАСКЕТБОЛЧИЛАР ТУРНИРИ

▲ БУХОРО шаҳрида баскетбол бўйича Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг биринчилиги бўлиб ўтди. Унда республикамиз область ва шаҳарларининг 10 та командаси иштирок этди. Областимиз шарафини ҳимоя қилган Солдатское посёлкасининг 11-ўрта мактаби ёш баскетболчилари мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб чиқишди. Команданинг бу муваффақиятида мактаб физкультура ўқитувчиси Б. Коневцевнинг ҳиссаси катта.

ТОШКЕНТЛИК БОКСЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

▲ «МЕҲНАТ резервлари» Ўзбекистон жамиятининг очиқ биринчилиги тошкентлик боксчиларнинг ютуғи билан тугади. Улар 9 вазнда ғалабага эришдилар. Мусобақаларда 1970—1971 йилларда туғилган ўсмирлар иштирок этишди. Турнир ғолиблари енгренлик Ш. Тиллаев, чирчиқлик А. Смаль, тошкентлик Д. Эшматов, С. Набиев, К. Парсеговлар мутахассислар томонидан энг маҳоратли боксчилар деб топилдилар.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

◆ ИККИНЧИ лига еттинчи зона командалари ўртасида футбол бўйича мамлакат чемпионатининг 25-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ангреннинг «Шахтёр» командаси Андижонда маҳаллий «Пахтакор» футболчилари билан учрашиб, 0:3 ҳисобида мағлубиятга учради. Шу турдаги қолган ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Хоразм» — «Автомобилист» — 2:1, «Целинник» — «Нефтяник» — 2:1, «Геолог» — «Ёшлик» — 1:1, Зарафшон» — «Динамо» — 2:1, «Косонсойчи» — «Янгиер» —2:0, «Сурхон» — «Олга» — 1:0, «Вахш» — «Олой» —1:0, «Хива» — «Хўжанд» — 1:2.

Чемпионатда 30 очко билан Фарғонанинг «Нефтяник» ҳамда Самарқанднинг «Динамо» коллективлари пешқадамлик қилишмоқда. Бугун навбатдаги тур учрашувлари бўлади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ИВАНОВО ШАҲРИ ВА ИВАНОВО ОБЛАСТИ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЎРТА МАКТАБЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАН ЁШЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

6-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Иваново шаҳри, Молодие рабочие кўчаси, 1-уй)
«Ивторфмаш» заводига қарашлидир.

Билим юрти қулай ва шинам ётоқхона, турли касб тўгаракларига эга, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юрти кенг профилдаги станокчи, слесарь-ремонтчи, электр газ пайвандчи, электр ускуналари ремонти бўйича электр монтёр. Саноқ-ҳисоблаш техникаси ремонти ва унга хизмат кўрсатиш бўйича электр механикларни тайёрлаб чиқаради.

Тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ёшлардан эса ярим автомат машиналарда ишловчи электр пайвандчи. Пайвандлаш ишлари контролёри, электрон-ҳисоблаш машиналарининг операторлари ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб беради.

8-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ:

(Иваново шаҳри, 4-Линейний переулоги, 46-уй).
«Ифспецстроймеханизация» трести корхоналарига қарашлидир.

Билим юрти шинам ётоқхона, спорт комплексига эга. Мотоклуб ишлаб турибди.

Билим юрти экскаватор машинисти, бульдозер машинисти, минора крани машинисти, машинист, автокран машинисти, электр газ пайвандчи ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб беради;

Тўлиқ ўрта маълумотли ёшлардан эса слесарь-труба ётқизувчи, сувоқчи-бўёқчи ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб чиқаради.

27-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Иваново шаҳри, профессиональний кўчаси, 39-уй).
Иваново уйсозлик комбинатига қарашлидир.

Билим юрти электромонтёр, қурилиш машиналари ва асбоб ускуналари ремонти бўйича слесарь, арматурачи, электр-газ пайвандчи, бадиий безак берувчи бўёқчи, пўлат ва темир-бетон конструкциялари монтажчи-ғишт терувчиси ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб беради.

Тўлиқ ўрта маълумотли ёшлардан эса пўлат ва темир-бетон конструкциялари монтажчиси, сувоқчи-бўёқчи сувоқчи, кошинкор-плитачи ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб чиқаради.

15-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Иваново райони, Бибирево посёлкаси)
«Ивановомелиорация» бирлашмаси корхоналарига қарашлидир.

Билим юрти шинам ётоқхона, спорт комплексига эга. Футбол, самбо секциялари, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини ишлаб турибди.

Билим юрти кенг профилдаги тракторчи-машинист, машинист--экскаваторчи, бульдозерчи-шофёр, машинист-бульдозерчи ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб беради.

21-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Иваново области, Завожск шаҳри, Почтовая кўчаси, 2-уй—Волга соҳилида жойлашган)
«Кинепмасстрой» трести корхоналарига тегишлидир.

Билим юрти шинам ётоқхонага эга. Дискоклуб, турли тўгарак ва секциялар ишлаб турибди.

Билим юрти ғишт терувчи, пўлат ва темир-бетон конструкциялари монтажчиси, дурадгор, электр монтажчи, слесарь-ремонтчи, сувоқчи-бўёқчи, ошпаз, химиявий анализ лаборанти ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаб беради;

Тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ёшлардан эса контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика слесари, ғишт терувчи сувоқчи-бўёқчи ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлайди.

Ўқувчилар Тошкент Граждан авиацияси бошқармаси ажратган махсус самолёт билан Иваново шаҳрига жўнайдилар.

Иваново области ҳунар-техника билим юртларига ўқишга йўлланма олиш юзасидан бўлган барча саволлар бўйича 33-35-23 телефони орқали Тошкент ҳунар-техника таълими бошқармасига, Т. И. Иброҳимовга мурожаат қилишларини сўраймиз.

ФОТОРЕПОРТАЖ

ТУРМУШ ГЎЗАЛЛИГИ МЕҲНАТ БИЛАН

Колхозда ёшлар кўп. Улар ўзлари қизиққан, хоҳлаган касб билан шуғулланиш имкониятига эгадирлар. Ёшларнинг унумли меҳнатдан сўнг хордиқ чиқариб мазмунли дам олишлари тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Кўплар спорт билан шуғулланишади. Ҳўжаликнинг футбол командаси районда доимо биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу йил команда Гагарин номли ва «Оқ олтин» кубокларини қўлга киритди.

В. ШАБАЛИН,
Н. РИХСИЕВ.

◆ СУРАТЛАРДА: механизатор Айсажон Тўхтаохунов оиласнинг қувончи чексиз. Улар бу йил янги посёлкадаги янги уйга кўчиб кирдилар; колхознинг болалар боғчасида; футбол командаси тренери Шокир Абдуқодиров (ўртада) шогирдларига сабоқ бермоқда.

А. Зуфаров фотолари.

ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ

Қушга экскаватор ёқиб қолди

● НИЖНЕТАГИЛЬ ГРЭСнинг ишчиси А. Шукель иш бошлаш олдидан экскаватор капотини очиб, унинг тагида қуш инн борлиғини кўрди. Кўп ўтмай, уянинг эгаси — чиройли жиблажибон ҳам пайдо бўлди.

Капот остидаги уян олиб ташлаган машинист кейинги кун ўша жойнинг ўзида қуш тағин ин қурганлигини кўрди. Бу ҳол тўрт кун такрорланди, бешинчи кун эса кечаси билан ўз уясини қайта тиклаган ўжар жиблажибон унга тухум қўйди. Қуш уяси машинанинг иш ўзелларидан бир чеккада эди, шу боисдан Шукель унга бошқа тегмасликка қарор қилди.

[«ТРУД» газетасидан].

СТУДЕНТ ҚУРИЛИШ ОТРЯДЛАРИДА

МЕДИКЛАР ЁРДАМИ

ТОШКЕНТ Давлат медицина институти стомотология факультетининг 2-курс студентларидан 100 нафари Тошкент районининг «Ленинград» совхози кўчатхоналарида иш олиб боришяпти. Улар совхозда 200 минг сўмлик иш бажаришни режалаштиришган.

—70 нафар студент-бунёдкор сув хавзаси ва қўшимча иссиқхоналар қурилишида иштирок этишяпти,—дейди отряд командири Сафи Махмудов.—30 нафар қизларимиз эса гул парваришида қатнашиб, 15 минг дона гладиолосни 2,5 гектар ерга кўчириб ўтқазишди. Бундан ташқари улар иссиқхоналар ремонтида ҳам қатнашдилар.

Қўмакчилар орасида Ваҳоб Раҳимов, Бахтиёр Нурматов, Гулзат Тўйчиева, Минаввар Қўчқорова, Знёда Азизова, Рахила Қувонова, Дилором Турсуновалар алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Т. ДУСОНОВ.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

КОЛХОЗ МАБЛАҒИ БИЛАН

ЧИНОЗ районидаги М. Пўлатов номли 28-ўрта мактаб биноси ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тайёрлаб қўйилди. Шу кунларда ўқитувчи ва ўқувчилар синф хоналарини жиҳозлаш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш билан шуғулланмоқдалар.

— Мактаб ремонтига,— дейди хўжалик ишлари мудири Х. Умаралиев,— оталиқ қилаётган Охунбобоев номли колхоз правлениеси 4 минг сўм пул ажратди, қурилиш материаллари ва ишчи кучи билан таъминлади. Мактаб коллективи эса «Зарбдор меҳнат бригадаси» ташкил этди. 24 та синф хонаси, 10 та фан кабинети, 300 ўринли «Ёшлик» кинозали, 400 ўринли ошхона, спорт зали ремонтдан чиқарилди. 1,5 минг сўмлик ўқув қуроллари, 2 минг сўмлик турли дарсликлар сотиб олинди. Шу кунларда ўқувчиларга дарсликлар тарқатилмоқда.

А. ОРИПОВ.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ПРИБОРЛАР» САЛОНИДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

икки нурли универсал СІ-74 осциллографи — баҳоси 2400 сўм,
термоэлектрик ТК-І термокамераси — 1180 сўм,
стабилизациялаштирилган ВИП-009, ВИП-010 қувват манбалари — 480 сўм,
Ф-799 ўлчов сигналлари коммутаторлари — 2180 сўм,
мактаб лабораторияларига мўлжалланган Н-3017 осциллографи — 75 сўм,
ўқув лабораториясига мўлжалланган Н-3013 осциллографи—60 сўм,
43-34 электрон-ҳисоблаш частота ўлчами — 1825 сўм,
РЕИС поезд радиоэшиттириш қурилмаси — 2000 сўм,
Н-3 ливелири — 104 сўм,
1004-101 усилители — 180 сўм.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 2-уй (4, 9, 11-трамвайлар; 13, 77-автобусларнинг «Оқтепа» майдони» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 78-02-49, 78-40-43.

Тошкент области Паркент районидаги 41-ўрта ҳунар-техника билим юртига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги 277800 номерли дипломнинг йўқолган.

ТОЗА БЛАНКАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/VIII да Келинлар кўзголони, 23VIII да Юлдузли тунлар.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта «КОХ» иллюзион шоуси гастроллари (19.30).

Тошкент область ижроия комитети аппарати коллективи аппаратнинг масъул ходими Ф. З. Камоловга отаси

Зоҳид КАМОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент область ижроия комитетининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармаси ва Калинин район «Ленинчи» газета редакцияси коллективи бошқарманинг газета сифати назорат комиссиясининг секретари А. А. Абдусаматовга отаси

Эшонхон АБДУСАМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р—08947. Б. 1703. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12